

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
“Йўлқурилиш” АЖ  
Бошқарув Раиси

 Р.Ерниязов

«Йўлқурилиш» АЖ ҳамда тизим корхоналарида 9 декабрь “Халқаро  
коррупцияга қарши кураш куни”га бағишланган сайёр давра суҳбати  
**БАЁННОМА**

Тошкент ш.

12.12.2025 й.

**Кун тартиби:**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сонли ва “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 06.06.2021 йилдаги ПФ-6257-сонли Фармонлари, “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 06.06.2021 йилдаги ПҚ-5177-сонли Қарори ижроси ҳамда 9 декабрь “Халқаро коррупцияга қарши кураш куни” мазмун моҳияти юзасидан

*(АЖ: Р.Ерниязов, Ғ.Ахатов, Ж.Мухиддинов, Б.Жалалов, И.Турдиев, (тизим корхоналари раҳбар ва ходимлари ВКС орқали), Р.Ерниязов)*

Йўналишда раислик қилувчи Бошқарув раиси Р.Ерниязов кун тартибидаги ушбу масала юзасидан тўхталиб, 9 декабрь Халқаро коррупцияга қарши кураш куни деб Халқаро микёсда эълон қилинганлиги, Республикамизда коррупцияга қарши кескин курашнинг олиб борилаётганлиги, бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27.05.2019 йил ПФ-5729-сон ва “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 06.06.2021 йилдаги ПФ-6257-сон Фармонлари, “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 06.07.2021 йилдаги ПҚ-5177-сон

Қарори каби норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси Коррупцион жиноятлар ва уларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омиллар, бу борада қонун нормаларининг амалиётда қўлланилиши ва жазо чораларининг кучайтирилиши, коррупцион жиноятларга қарши муросасиз курашни кераклигини тарғиб қилинганлиги, коррупцион ҳолатларга дуч келинганда зудлик билан раҳбариятга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш зарурлигини айғиб ўғли.

Шунингдек, қон тартибидagi қонунчилик ҳужжатлари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар мазмун ва моҳияти бўйича тушунтириш бериш юзасидан Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Ж.Муҳиддиновга сўз берилди.

Сўзга чиққан Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Ж.Муҳиддинов Акциядорлик жамият ҳамда унинг таркибидagi МЧЖларининг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш юзасидан амалга оширилиши керак бўлган ишлар нимага асосланганлиги тўғрисида сўз берди.

ташкilotининг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини аниқлаш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш.

коррупциявий хавф-хатар шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шартларда коррупциявий ҳагги-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилганлиги каби норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орқали олди олинishi қайд этилди.

Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чораларига:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва ташкilot фаолиятини (вазифа ва функцияларини)

рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

ташкilot фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

ташкilot ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида танкилот томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

хизматларни кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асоссиз чекловларни, ортикча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йуқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар соли ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

танкилот томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ҳодимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар қуни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилишларини назорат қилиш орқали мажкур сатбўй омили билан курашни лозимлиги қайд этилди.

«Йўлқурилиш» АЖнинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, МЧЖ раҳбарлари ва бошқалар бирма-бир сўзга чиқиб улар ўз сўзларида коррупцияга қарши курашни борасида, унинг қандай ёмон оқибатлар келтириб чиқарини тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазалар билдирияди.

Бошқарув раиси Р.Ерниязов мажлисни яқунлар экан, мажлисда иштирок этган барча йиғилиш катнашчиларига миннатдорчилик билдириб, бугунги кўрилган масала тозасидан коррупцияга қарши олиб беришни лозим бўлган ишларни кучайтириш, ҳодимлар меҳнат иштиғомига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, ўзаро ҳурмат масалаларига ҳам тўхталиб, тизимда барча ҳодимлар бир-бирларига хушмуомалода бўлиш, уларга нисбатан таъмагирлик қилмаслик, ватанга ҳамда бурчига содиқ бўлиши каби тавсиялар билан яқунлади.

Юқоридагиларга ҳамда йиғилиш яқунига асосан

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашни тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сонли ва “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омиллари кескин камайитириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 06.06.2021 йилдаги ПФ-6257-сонли Фармонлари, “Коррупцияга қарши курашни фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 06.07.2021 йилдаги НК-5177-сонли Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. «Йўлқурилиш» АЖ ҳамда тизим корхоналари раҳбар ва ходимлари коррупцияга қарши муросасиз курашиш чоралари кўрилсин, агарда коррупция ҳолатларига дуч келганда зудлик билан Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлимини (Ж.Мухиддинов) хабардор қилинсин.

3. Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (Ж.Мухиддинов):

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан коррупцияга қарши курашиш масаласида доимий равишда ҳамкорлик олиб боришни йўлга қўйилсин;

«Йўлқурилиш» АЖ ҳамда тизим корхоналари раҳбар ва ходимлари ўртасида коррупцияга қарши кескин кураш ишлари кучайтирилсин ҳамда доимий назоратга олиниб, ходимлар ўртасида мазкур соҳада ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилсин.

Котиб



Ж.Мухиддинов







